

# НУҚУҚ

Fevral				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24
2002				

13- fevral,  
chorshanba  
# 08

(219)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan



## Чоршанбадан Чоршанбагача

**6 февраль**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат парламенти икки палатали қилиб сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январь кuni ўтказилган референдум яқунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссияси раиси А. Аҳадовнинг ахбороти тингланди.  
Йигилишда референдум яқунларини Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамага киритишга қарор қилинди.

**8 февраль**  
Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси йигилишида ёш болалари ва ногирон боласи бор аёлларни имтиёзлар билан таъминлашга доир қонунларнинг Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

**9 февраль**  
Мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги кенг нишонланди.

**11 февраль**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия Федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингнинг қабул қилди.  
Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўтган чоршанба кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2001 йилги фаолияти яқунлари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Бош прокуратуранинг барча таркибий тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг бошқарма бошлиқлари иштирок этдилар.

Мажлисида Бош прокурор Р. Қодиров олиб борди. Ҳайъат мажлисида қайд этилишича, прокуратура органлари ўзларига юклатилган нозорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишига қаратди.

Мазкур соҳаларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари 90 мингдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари ёрдамида бартараф қилиниб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўриб келинди.

Ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланди. Ўтказилган тадбирлар республикадаги жиноятчилик аҳволига ва криминоген вазиятнинг барқарорлигига таъсир кўрсатди.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни тўғри тушунтириш ва қўллаш юзасидан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада тергов ишлари ва жиноий жазоларни судда қўллаш фаолиятида туб ўзгаришларга эришилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Бош прокуратура ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари фаолияти ташкил қилинган эди.

Департамент тизимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, давлат хазинасига жами 7 млрд. 680 млн. сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланиб, уларнинг 3 млрд. 516 млн. сўми бюджетга ундирилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 8800 тадан зиёд прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Прокурор нозоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Муҳокама натижаларига кўра ҳайъат мажлиси тегишли қарорлар қабул қилди.

**М. ШОДМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Суратда: ҳайъат йиғилишидан лавҳа.

**А. ТўРАЕВ** олган сурат



## УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, I даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Р. Қодиров билан Халқаро Қизил ҳоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги ҳудудий ваколатхонаси раҳбари жаноб Пьер Андре Коно ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида ХҚҲ билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ришталари боғланди. Тергов ҳибсхоналари ва озодликдан маҳрум этиш жойларини бориб кўриш ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида ўзаро ахборот алмашиш хусусида келишиб олинди.

Учрашувда Пьер Андре Кононинг ассистенти Анаит Айрумова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиқлари Б.Хўжаев ҳамда Н.Файзуллаевлар иштирок этди.

## АНОНС



**КЕКСАЛИК ҲАЁТ-ИЙТИҚОСИ ЭМАС, ГҮЛТОҶИ БҮЛМОҒИ ДАРҚОР**

Қариси бор уйнинг париси бор, дейишади. Бунга ҳар бир ўғил-қизимиз билмоғи шарт. Узига уй қуриб, бойлик орттириб, турмуш ташвишлари ва қувончлари билан банд вақтларида ҳам ўз ота-онасини, оиладаги кексаларни ёдидан чиқармаслиги лозим.

**2 саҳифа**

**ҲАР КИМКИ  
ЖАФО  
ҚИЛСА...**

**7 саҳифа**



**Патронат деганда, ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг бошқа ота-она ёки оила тарбиясига (қарамоғига) олиниши тушунилади.**

**6 саҳифа**

Наҳотки, мол-дунё, айш-ишрат эвазига ўзгалар ҳаётини сўндириш лозим бўлса? Бундай ҳуқуқ ҳеч кимга берилмаган, берилмайди ҳам. Афсуски, ҳикоямиз «қаҳрамон»лари ана шундай йўлни танлаган эдилар.

**Моҳият**  
*Эзгу ишларни,  
бундан  
машаққат  
чекмай ёки  
лаззатланмай,  
адо этиб  
бўлмайди.*

АРАСТУ

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischiilar**

O'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

Bosh muharrir:  
Abdusoliq

ABDURAZZOQOV

**Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:**  
133-82-34

**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariга  
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahilalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 20.500

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
H. NISHONOV  
**Navbatchi:** F. MAMASHARIPOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

**2002 йил — қарияларни қадрлаш йили**

Конституциямизнинг 39-моддасида: «Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган. Республикаимизда пенсионерларга нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмаслиги расман белгилаб қўйилган. Статистик маълумотларга қараганда охириги 30-40 йил ичида тиббиётдаги катта ўзгаришлар, ютуқлар натижасида қариялар сони дунё миқёсида ортиб бораёпти. Масалан, 60 ёшдан ошган инсонлар сони 1950 йилга келиб 188 млн., 1970 йилда 221 млн., 1985 йилда 407 млн., 2000 йилга келиб 685 млн.га етган, демак 50 йил ичида уларнинг сони 3 баробар-га ошган.

Аҳоли орасида қариялар сонининг ортиши улар тўғрисида ҳамхўрлик чораларини кўриш, уларни эъозлаш каби бирқанча ишларни амалга ошириши талаб қилади. Чунки инсон кексайган сари ўзини ҳаётда ортиқча шахс каби ҳис қилишдан, боқиманда бўлиб қолишдан хавотирланади. Кекса ёшдаги ота-оналаримиз ана шундай тушкунликка тушмасликлари учун улардоим керакли эканликларини сездириб туриш лозим.

Бунинг учун фарзандлар қария ота-онасини аяб, у-бу ишни қилишларига тўқинлик қилмай, эркинлик бериб қўйишлари, кези келганда баъзи ишларга жалб қилиб туришлари зарур. Маҳаллада уларни жамоа ишларига жалб этиб, яраштириш комиссияси, оиладаги ажримларнинг олдини олиш каби ишларга ёрдам беришларини илтимос қилиб туриш яхши натижа беради. Кексалар уларнинг бошқаларга керакликларини сезсалар, яшаш учун интиладилар ва «хали менинг ишларим кўп, шунинг учун яшашим шарт», деган туйғуни ҳис қилиб яшайдилар.

Умуман БМТда инсонлар қуйидаги ёш тоифаларига бўлинади: 3-11 ёш — болалар, 11-18 ёш — ўсмирлар, 19-48 ёш — навқирон-

лар, 49-59 ёш — ўрта ёшлилар, 60-74 ёш — катта ёшлилар, 75-90 ёш — қариялар, 90 ва ундан юқори ёшлилар узун умр кўрувчилар дейилади.

Республикаимизда қанчадан-қанча ўрта ва катта ёшли юртдошларимиз бугунги кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Булар қаторида қарилек гаштини суришга тўла ҳуқуқли катта ёшлиларимиз ҳам бор.

Демак, инсоннинг кексайиши унинг ёшидан ташқари баъзи бир бошқа сабаблар билан ҳам боғлиқ. Бунга ҳар бир инсоннинг ҳаёт тарзи, ҳаётдаги салбий ва ижобий ўзгаришлар, жумладан, касалликлар кирради.

Яна бир қатор бошқа сабаблар борки, улар тезроқ қариш аломат-

лари ҳисобланиб, ҳар кимда ҳар хил вақтда бошланиши мумкин. Айримлар 60-70 ёшда ҳам анча бақувват, серҳаракат ва олий нерва системаси яхши ҳолатда бўлиши мумкин, баъзилар эса 55 ёшдан сўнг анчагина ўзгаришлар сезишади. Тез кексайиш сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин: чарчаш, руҳий нотурғунлик, камҳарақатлик, нотўғри овқатланиш, сержаҳллик, ортиқча ташвишланиш, тушкунликка тушиш ва ҳ.к. Оила аъзолари, қўни-қўшни ва барча-барча кексалар тўғрисида ҳамхўрлик қилишлари, уларга ёрдам беришлари лозим.

Чунки, қайтар дунё, деган гап бор, бугун сен бошқаларга қандай муносабатда бўлсанг эртага сенга шу муносабат қайтади. Шунинг учун Конституцияда: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўта-оналари ҳақида ҳамхўрлик қилишга мажбурдирлар» деб белгилаб қўйилган (66-модда).



# КЕКСАЛИК ҲАЁТ ИНТИҲОСИ ЭМАС, ГУЛТОҶИ БУЛМОҒИ ДАРҚОР

Юртбошимиз ҳам қарияларга таъриф бериб: «Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъозлаш ва қадрлаш лозим», дейдилар. Шу маънода Президентимиз томонидан 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Қариси бор унинг париси бор, дейишади. Буни ҳар бир ўғил-қизимиз билмоғи шарт. Ўзига уй қуриб, бойлик ортириб, турмуш ташвишлари ва қувончлари билан банд вақтларида ҳам ўз ота-онасини, оиладаги кексаларни ёди-

дан чиқармаслиги лозим. Кексаларни эъзат-ҳурмат қилган, уларга ёрдам қўлини чўзган, оғирини енгил қилган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди.

Президентимиз таърифи билан айтганда, қадрлаш бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлиги ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Май ойининг 9-санаси мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган. Хотира ва қадрлаш тушунчаси гоё теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу-жадалларда қатнашган, она юрт ҳимояси учун жон фидо этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда халқимиз асрлар давомида интилиб келган хуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилган Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалолiddин Манғуберди, Наҳиддин Кубро, Намоз Ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздор, деган эди юртбошимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Ота-оналар, маҳалла кексалари фарзандларимизга шу она юрт бизники эканлигини, унинг тарихи, босиб ўтган курашларга бой шонли йўлларини эслаш, келажакга учун қайғуриш бурчимиз эканлигини тушунтириб боришлари

лозим.

Ҳар бир она боласини ёруғ дунёга келтирганда не умидлар билан оқ ювиб, оқ тарайди. Фарзанд қалбидан неки олийжаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир. Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам она сuti, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга кирради. Шунинг учун ота-онасини ҳурмат қилган, севган ҳар бир инсон Ватанни ҳам севади.

**О. КАРИМОВА,**  
Низомий номли  
ТДПУнинг Инсон ҳуқуқлари ва  
қадриятлари (ЮНЕСКО)  
кафедраси mudiri

**ТАЙИНЛОВ**

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг 2002 йил 31 январдаги буйруғи билан 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Фаҳри Ҳайдарович РАҲИМОВ Тошкент вилояти прокурори этиб тайинланди.

Фаҳри Раҳимов 1953 йил Жиззах вилоятида туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1975 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлари доктори.

Ф. Раҳимов 1975 йилдан Жиззах шаҳар прокуратурасининг иш ўрганувчиси, прокурор ёрдамчиси, вилоят

прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, Зарбдор ва Дўстлик туманлари прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг ўринбосари, Сирдарё вилоят прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг қонунчилики мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази директори, 2001-2002 йилларда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

## ПРОКУРАТУРА ЁРДАМ БЕРДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳамда фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятлар бўйича Сиеб туман прокуратураси тумандаги корхона-ташкилотларда текширишлар ўтказди.

Жумладан, 146-автобус саройида меҳнат ва маош бўлими муҳандиси вазифасида ишлаётган Л.Алавердян ҳамда ишчи А.Ражабовнинг иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганлиги баён этилган шикоят хатлари асосида ўтказилган текширишда шикоятдаги давралар ўз исботини топди. Туман прокуратураси томонидан Л.Алавердян ва А.Ражабовнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Темирўл туманлараро судига даво аризаси киритилди ва у судда қаноатлантирилиб, Л.Алавердяннинг 79909 сўм, А.Ражабовнинг 28820 сўм иш ҳақи тўла ундириб берилди.

«Самарқандшаҳаравтоташоҳбекат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган текширувда штатлар қисқартирилиши муносабати билан чипта сотувчи М.Азимбекова асоссиз равишда ҳайдовчилар дам олиш хонасининг навбатчаси вазифасига ўтказилганлиги аниқланди. Амалда эса, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар муносабати билан ходимлар сони қисқартирилиши туфайли ишда қолдириш учун имтиёзлар ҳуқуқи малака ҳамда меҳнат унвондорлиги юқори бўлган ходимларга берилиши лозим эди. Туман прокуратураси томонидан фуқаро М.Азимбекованинг манфаатларини кўзлаб, уни бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Темирўл туманлараро судига даво аризаси киритилди. Суд томонидан мазкур бирлашманинг М.Азимбековани бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруғи гайриқонуний деб топилди, у ўз вазифасига тикланди.

**Р. ДОНИЁРОВ,**  
Сиеб туман  
прокурорининг катта  
ёрдамчиси

\*\*\*

Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқаролар — Д. Нигматов ва А. Ризаевнинг маблағлари йўқлиги туфайли қурилиш тугалланмаётган ер майдонига эгаллик ҳуқуқини беришни сўраб ёзган аризасини ҳал этиш пайсалга солинаётган эди.

Прокуратуранинг аралашуви билан туман ҳокими М.Одиловнинг 2002 йил 16 январдаги 16-қарорида биноан аризаларнинг талаблари қондирилиб, уларга Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ҳудудидаги 87- ва 88-ер майдонларига нисбатан эгаллик ҳуқуқи берилди.

## ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ



Истиқлолнинг дастлабки йилларида соғлом авлод тарбиясига, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол, озод ва эркин, билимли ва хунарли бўлиб воёга етишига катта аҳамият қаратилди. Фарзанд тарбияси ота-оналар учун ҳам, давлат ва жамият учун ҳам муайян мажбуриятлар юклаши конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса мамлакатимиз келажагини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш ишига нафақат ота-оналарни, балки давлат ва жамоат ташкилотларини, бутун жамиятни жалб этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида бу масала куйидагича ифода этилган: «Ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг вазийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантирилади».

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёдаги бошқа бирор мамлакат Конституциясида болаларни тарбиялаш, воёга етказиш борасида ота-оналар, давлат ва жамиятнинг мажбуриятлари бизнинг Асосий Қонунидагидек аниқ ва равшан белгиланган бўлмаган. Конституцияда белгиланган берилган ушбу қонуний асос ёш авлод тарбиясига оид барча қонуналиримизнинг ўзига ҳос маъно-мазмунини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасида «Ота-она-

лар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзларининг воёга етмаган болалари учун таълим шакллари, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш, таълим муассасаси маъмуриятидаги ўқув юртлири уставларида белгиланган зарур шарт-шароитлар яратилишини, болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш, таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар», деб белгилаб қўйилиши юқоридаги фикрнинг мантикий давоми десак, мулоғга бўлмас.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказиш, ота-оналарнинг, маҳалла-қўйнинг, бутун жамоатчиликнинг бу борадаги тегишли вазифаларини аниқ белгилаб олиш имконини яратди. Шунинг учун бугунги кунда юртимизда ёшлар тарбияси том маънода жамият ишига айланиб бормоқда. Дунёда мураккаб мафқуравий кураш кетаётган, айниқса ҳали оқ-қоранинг фарқига унча бормайдиган ёшларнинг қалби ва онгига босим ўтказиш хавфи мавжуд бугунги кунда жамоатчиликнинг бу ишга жалб қилиниши катта аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод тарбияси борасида улкан ишларни амалга оширишдаги аниқ белгилаш лозим.

## ШУ СОНГА ХАБАР

### ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИ ЗАРУР

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасида прокурорлар тегишли халқ депутатлари кенгашларига ҳудудлардаги қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот бериб туриши белгилаб қўйилган. Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг II қақирқ IX сессияси муҳокамасида вилоятдаги қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳолати тўғрисида вилоят прокурори ахбороти ҳамда жиноятчиликнинг олдин олишга жамоатчиликни жалб этиш қўзғалган иккита дастур ҳавола этилди.

Сессияни вилоят ҳокими А.Отабоев

кириш сўзи билан очди. Вилоят прокурори Ю.Абдукаримовнинг маърузаси юзасидан Охунбоев тумани Сармозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Азимов, Фарғона шаҳар ФХДЕ бўлими мудири М.Муҳаммадова, Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси А.Юнусов, Республика Бош прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи Б.Шомирзаев, Олий Мажлиснинг демократик институти, нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Сидов сўзга чиқдилар. Сессия вилоят прокурори Ю.Абдукаримовнинг маърузасини маъқуллади ҳамда вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофазасида қилиш идораларини ҳамда жамоатчиликнинг 2002 йилга мўлжалланган дастурларини қабул қилди.

(Ўз муҳбиримиз)

# БАХТЛИ КЕЛАЖАК АСОСИ

чиллик билан олиб борилаётган ишлар жумласидандир. Шунингдек, ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига жорий этилиши, янги-янги лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлирининг барпо қилинаётгани, ёшлар тарбияси билан шугулланувчи кўплаб меҳрибонлик уйлари, маъсус мактаб ва интернатлар мавжудлиги бу борада давлатимиз ўз бурчини нечоғли юксак даражада адо этаётганини кўрсатади. Бахтли болалик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётган бу ҳуқуқий асослар мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлашнинг асосий шarti ва кафолати эканини бугун ана шу натижалар мисолида яна бир бор ҳис этмоқдамиз.

Бизда бошқа бирор мамлакат тажрибасида учрамайдиган ғоятда самарали бошқарув усули бор. У маҳалладир. Президентимиз Конституцияимизнинг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали ма-

Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотлар стратегиясини белгиловчи машҳур беш тамойилда давлат бош ислохотчи экани таъкидлаб ўтилди. Давлатнинг бош ислохотчилик ва ташаббускорлик фаолияти, аввало, мамлакатимизда таълим-тарбия, ёшлар сиебати, ёш авлод ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қонунийликнинг асосларини шакллантиришдаги саъий-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Оила кодекси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилиши бу ишларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга муҳим эътибор берилаётгани таҳсинга сазовордир. Бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг турли бурчакларида замонавий спорт саройлари, муҳташам мажмуалар барпо этилаётгани, талаба ёшлар ўртасида универсиада, лицей ва коллеж ўқувчилари орасида эса «Баркамол авлод» уйинлари ва бошқа анъанавий спорт мусобақалари ўтказилаётгани, шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш дастури асосида соғломлаштириш тадбирлари из-

росимда маҳалла бошқаруви ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, бугунги кунда юртимизда оилалар мустаҳкамлиги ортиб, ота-оналар ўз фарзандларини олдидagi бурчларини чуқур ҳис этаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда давлатимиз томонидан оилани, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, 1998 йилнинг Оила, 1999 йилнинг Аёллар, 2000 йилнинг Соғлом авлод, 2001 йилнинг эса Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши, «Оила кодекси» ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳам оилалар фарзандлар тарбиясига эътибор орттиришга асос бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақил юртимизнинг бахтли келажагини таъминлаш ва уни янада мустаҳкамлаш шу жамиятда яшовчи ва ўзини шу юрт фуқароси деб билгувчи инсонларнинг қўлидадир.

**Жамшид ФАЙЗИЕВ,**  
Республика Бош  
прокуратурасининг  
бошқарма терговчиси



Яқинда Тошкент вилоят прокуратурасида Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкиллаштирилган «Жиноят жазоларининг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари мазкур қонунни амалиётга татбиқ этиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Суратда: ушбу йиғилишдан лавҳалар.

А. ТУРАЕВ олган суратлар

# БАРХАМОД АБДУЛ МАРСУЛЯЕВ ИҶОДА

● ТАДБИР

## МУАММОГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Анджон вилоятининг Куйганёр шаҳарчасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга оид идоралараро мувофиқлаштирувчи йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишнинг айнан Анджон туманида ўтказилгани бежиз эмас. Бу ерда 182 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Куйганёр вилоят марказига яқин бўлганлиги сабабли 8 мингга яқин фуқаро Анджонга қатнаб корхона ва ташкилотларда ишлашади. Болалар коллеж ва лицейларда, 50 дан зиёд мактабларда таълим-тарбия олишапти. Ёшлар, шу жумладан ўсмирларнинг фойдали машғулотларга жалб этиш учун бир мунча ишлар қилинди. Минерал сув, тўқимачилик ва консерва ишлаб чиқаришга мослашган қўшма корхоналарнинг филиаллари ва цехлари ишга туширилди туйғайли. 600 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Янги иш ўринларида асосан ёшлар меҳнат қилишапти.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш учун бир қатор ишлар қилинаётган, 21 та таянч пункти фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар камаймаётгани туман прокуратураси ходимларини жиддий ташвишга солди. Туман прокурори тақлифи бўйича, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси қарори билан ўсмирларнинг таълим-тарбиясига масъул бўлган идоралар ўртасидаги тарқоқликка барҳам бериш, кенг жамоатчиликни жалб этиш учун ўқув юртлири, мактаблар, муассасаларда тарбиянинг барча йўналишларини қамраб ол-

ган ишчи гуруҳлари тузилди. Ушбу гуруҳларга масъул шахслар тайинланди.

Йиғилиш аввалида унинг иштирокчилари — халқ таълими бошқарма ва бўлимлари, аҳолини ишга жойлаштириш бўлимлари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияларининг расислари, ИИБ ВЕН нозирлари, шаҳар ва туман прокурорлари 47-ўрта мактабда ташкил этилган вояга етмаганлар бошланғич комиссияси гуруҳларининг иш фаолияти билан танишдилар. Ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқий билимларни ошириш, соғлом турмуш тарзини таъйёрлаш, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, спорт ва оммавий тадбирлар ўтказиш каби гуруҳларнинг мутахассислари ҳар бир ўқувчи ўқишдан кейин бирон-бир фойдали машғулот билан банд бўлиши, назоратсиз қолмаслигига бевосита масъулликларини ҳис этган ҳолда иш юритапти.

— Мисол учун ижтимоий муҳофаза гуруҳини олайлик, — деди туман прокурори Т.Мирзаев, — Гуруҳ уч кишидан иборат бўлиб, ҳар бир боланинг оилавий аҳолини ўрганиб, махсус журналда қайд этади. Мухтожларга маҳалла, мактаб кучи билан ёрдам берилади. Масалани шу ернинг ўзида ҳал қилолмас, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига тақлифларини ёзиб беради. Шунга асосан, нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш масаласи ҳал этилади.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаришга сабаблардан бири уларнинг, бекорчилиги, назоратсиз қолишидир. Бунинг олдини олиш,

ишлашни хоҳлаган ўсмирларга қулайлик яратиш учун одамлар энг кўп тўпланадиган жой, яъни дехқон бозорида аҳолини иш билан таъминлаш бўлимининг алоҳида хонасини очдик. Ҳар жума кун тумандаги корхона ва ташкилотлар, ширкат хўжаликлар бу ерда меҳнат ярмаркаси ўтказишга, ёшларни мажбур иш ўринларига тақлиф қилапти.

Йиғилиш арафасида ушбу меҳнат ярмаркасини бориб кўрдик.

Эрталабданок ўн нафарга яқин ўсмир ўзларига ёққан касбларни танлаб, ишга киришга ҳужжатларини топширишди. Энди уларнинг ота-оналари фарзандларининг бекор юриб, жиноятга мойил шахсларнинг таъсир доирасига тушиб қолишларидан ташвишланишмайд.

Мактабларда тузилаётган гуруҳлардан бири ўқиётган ёки ўқимай қўйганлар орасидан носоғлом муҳит таъсирига тушган ўсмирларни аниқлаш, рўйхатга олиш, ота-оналари билан суҳбатлаш, уларни салбий муҳит таъсиридан қичариб олиш билан шугулланади.

Прокуратура органлари ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларида уч ярим мингдан зиёд ёшлар ишли бўлишди. Комиссиялар фаолиятини жонлантириш мақсадида ўтказилган семинарлар ҳам ўз самарасини берапти. Ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун Асака шаҳри, Жалолқудук туманларида ташкил этилган Ёшлар марказларининг фаолияти диққатга сазовор. Бу ишлар натижаси ўларок 2001 йилда ўтган йилларга нисбатан вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар сони сезиларли даражада камайди. Ўсмирларнинг меҳнат, маънавий, ҳуқуқий тарбияси, ҳарбий хизматга, мустакил ҳаётга тайёрлаш билан шугулланадиган мутахассислардан иборат гуруҳларнинг тузилиши ва ишларнинг муайян режалар асосида олиб борилиши ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз.

И.ИБРОҲИМОВ,  
«Ҳуқуқ» мухбири



А. ХАКИМОВ,  
Чирчиқ шаҳар  
прокурори

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида фуқароларнинг, айниқса, кўп болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш шу соҳада амалга оширилаётган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мазкур тадбирлар ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилганлигини ҳисобга олсак, унинг нақадар масъулиятли вазифа эканлигини тўла ҳис қиламиз. Табиийки, шу мақсадларга йўналтирилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан прокурорлик назорати ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

## ФАРЗАНДЛАР БАХТИНИ ЎЙЛАБ

Шу муносабат билан прокуратура-рамиз томонидан кам таъминланган, вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга ҳамда мактабгача тарбия муассасаларига ёрдам сифатида ажратилган пул маблағларининг талон-торожсиз ўз вақтида етказиб берилаётганлиги юзасидан текширишлар самарасини оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

Шаҳримиздаги маҳаллий ҳокимият идоралари, вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссия ва нозирликлар, мутасадди ташкилотлар билан мазкур соҳада амалга оширилаётган тарғибот тадбирларининг доимийлиги ҳамда таъсирчанлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 25 январь кунини Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарафда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»

ги Фармони эълон қилинди. Фармонда шундай сатрлар бор: «Бола икки ёшга тўлгунга қалар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган ойлик нафақалар микдори 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса 200 фоизи миқдоридан белгилансин. 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар қўшимча равишда киритилсин».

Халқимизни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бу фармоннинг ижроси биз прокуратура ходимлари зиммасига қатта масъулият юклайди. Давлатимиз томонидан ажратилган маблағлар ўз эгаларига етиб бориши керак.



«Фарзандлар ота-оналаринг наса-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан ҳатий назар, қонун олоиди тегибдилар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси.

## ● ПРОКУРОР БОНГ УРАДИ

Ёшлар миллат келажагидир, дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас, зеро ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб етишишлари буюк келажагимизни таъминловчи воситадир. Республикаимиз аҳолисининг 44,1 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг ёшлар тарбиясига бераётган эътибори мазмунини тушуниб етмас.

Ҳўш, ёшлар тарбиясига, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унмунли ўтказишни ташкиллаштиришга эътибор қандай? Шу масалаларни ойдинлаштириш мақсадида Акмал Икромов тумани прокуратураси тумандаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимида текширув ўтказди. Аниқланишича, 2001 йил давомида бўлим томонидан 147 нафар вояга етмаганлар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шулардан 129 нафари ишга жойлаштирилган. Улардан 78 нафари касб ўрганишга юборилган, етти нафари усталарга шогирдликка берилган.

Меҳнат бўлими томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, айрим камчиликларга йўл қўйилган.

Меҳнат бўлимининг йўлланма-

си билан касб ўрганиш учун ўқув марказига юборилган баъзи ёшлар ўқишни тугатмасдан ташлаб кетган бўлсаларда, улардан ўқишга тўланган маблағни ундириш чораси кўрилмаган.

Туман прокуратураси вояга етмаганларнинг бўш вақтлари ҳамда дам олишини ташкиллаштиришга қаратилган қонунлар қандай ижро этилаётганлигини аниқлаш мақсадида болалар ижод марказлари ва тўғарақлари фаолиятини ҳам текширди.

Тўғарақлар ва болалар ижод марказларига ноқобил оилаларда тарбияланаётган, тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар жалб қилинмаганлиги ҳамда бошқа камчиликлар мажбурияти аниқланди. Тарбиячи-ташкilotчилар жойларда истикомат қилаётган тарбияси оғир болалар

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

ҳақида маълумотлар тўплашмаган, уларнинг қизиқишларига қараб, тўғарақларга йўналтириш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Ўсмирларнинг назоратсиз қолганилиги, бўш вақтларини ўтказиш самарасиз ташкиллаштирилганлиги сабабли 2001 йилда ўтган йилнинг шу даврига қараганда улар томонидан содир этилган жиноятлар сони бирмунча ошганлиги маълум бўлди.

Тахлилларнинг кўрсатишича, аксарият жиноятлар ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган болалар томонидан содир этилган. Жиноят содир этган вояга етмаганлар 70 фоизи 14-15 ёшдаги ўсмирлар эканлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Мисол тарихида айтаядиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармонида асосан тумандан 3 нафар вояга етмаган шахс

жиноий жазодан озод этилган бўлса-да, биронтаси ҳам тўғараққа ёки спорт секцияларига жалб этилмаган ва ишга жойлаштирилмаган. Уларнинг ҳулқи бирон профилактика нозир, маҳалла қўмитаси томонидан, ҳатто тарбиячи-ташкilotчи томонидан ҳам назорат қилинмаган.

Туманда фаолият кўрсатаётган юмшоқ ўйинчоқлар тўғарағи, би-чиш-тикиш, ўймакорлик, тўқиш, гулчилик ва радиотехника каби тўғарақларнинг моддий техника базаси таъминланмай қўйилган, ташкilotли масалалар бўшаштириб юборилган. Тўғараққа ҳатто мактаб ўқувчилари ва ушбу ҳудудда яшовчи вояга етмаганлар ҳам қатнамайдилар. Клуб биносида умуман иш юритилмаслиги кўриниб турибди.

Тегирилган бошқа тўғарақларда ҳам шу аҳвол намоян бўлди. Тўғарақларнинг бундай аянчи аҳволга тушиб қолишига асосан



Баҳриддин ГУРУНОВ,  
Акмал Икромов тумани  
прокурори

халқ таълими бўлими уларни моддий таъминламаётганлиги, асосий воситалар хизмат муддатларини ўтаб бўлганлиги, қайта таъмирлашга муҳтожлиги сабаб бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилишда халқ таълими бўлими билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-қарши идоралари, ички ишлар бўлимининг профилактика хизмати ва бошқа идоралар ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур.

Кўрсатилган камчиликлар бу борада ҳанузгача тегишли тадбирлар амалга оширилмаётганлигидан, мутасадди раҳбар шахслар ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараётганлигидан, халқ таълими ходимларида ташаббускорлик етишмаётганлигидан далолат беради.

# ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

## ЛАФЗ МАРДЛИККА ТАЯНАДИ

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун кенг шариоит яратилган. Бу айниқса қишлоқ ҳўжалигидаги янги тадбиркорлик шакли бўлган фермерлик ҳаракатида яққол кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, «Фермер ҳўжаликлари» тўғрисидаги Қонун амалга киритилганидан бунён ҳаракат кенг қўлоқ ёйди. Фермер ҳўжаликларига нисбатан қўлланилаётган қатор имтиёзлар — солиқ сисёатида ҳам, назорат қилувчи органлар фаолиятини чеклаш йўналишида ҳам, уларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жиҳатдан ҳам намуна бўларли даражада ташкил этилган. Бироқ, шунга қарамадан мазкур соҳада учраб турадиган баъзи бир муаммолар борки, бу айниқса биз ҳўқуқшунослардан масъулият талаб этади...

Бозор иқтисодиётининг қонунларига асосан, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳўқуқ ва мажбуриятларни акс эттирувчи шартномалар етакчи ҳўқуқий акт сифатида майдонга чиқади. Бу эса ўз навбатида «шартнома механизми»ни ҳаракатга келтирувчи «шартнома интизомини»га қатъий амал қилишни тақозо этади. Шартнома шартларига риоя қилиш кўп жиҳатдан унда ҳўқуқлар ва мажбуриятлар спектрининг қанчаллик мутаносиб акс этишига боғлиқ. Ҳўжалик юритувчи субъектлар муносабатининг юзага келишида бир томонлама қўлайлик туғдирадиган, тенг ҳўқуқларга асос-

ланмаган шартномалар қабул қилиниши мумкин эмас. Утиш даврининг мураккабликларидан бири шундаки, шартнома интизомини қўпол равишда бузиш, шартнома тузишда мавжуд имкониятларни тўлақонли ҳисобга олмаслик ҳолатлари катта қийинчиликлар туғдиради. Бундай муаммоларга фермер ҳўжаликлари фаолиятида ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, туманимиздаги «Янги қадам» фермер ҳўжалиги «Волхов» пахта тозалаш корхонаси билан тузилган шартномага асосан йил давомида 1032600 сўм бўнақ маблағларини олган. Олинган маблағни тўлиқ ўзлаштирганига қарамадан ушбу фермер ҳўжалиги йил охирида шартномага нисбатан ўн фоиз миқдоридан ҳам маҳсулот етказиб бермаган. Бунинг устига ушбу фермер ҳўжалиги раҳбари Э.Саъдуллаев 190 минг сўм иш ҳақини бухгалтерия ҳўжатларида акс эттирмадан ўзлаштириб юборганлигини умуман оқлаб бўлмайдми.

Худди шундай ҳолат тумандаги «Зомин» фермер ҳўжалиги томонидан ҳам содир этилган. Ушбу фермер ҳўжалиги пахта тозалаш корхонасига 70 тонна пахта етказиб беришни шартнома асосида зиммасига олади. Йил давомида маҳсулот учун жами 1920000 сўм бўнақ пули ҳам олган. Фермер ҳўжалиги раҳбари А.Худойбердиевнинг лафзи у қадар ҳалол эмаслиги «ғалвир сувдан қўтарилганда» билинди. Ушбу фермер ҳўжалиги бор йўғи 734 кг. пахта хом ашёси етказиб берган холос.

*Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.*

Ислом ҚАРИМОВ

Шартномаларнинг бу тарзда бузилишига сабаб сифатида шартнома маданияти, ҳўқуқий саводхонлик даражасини ва ўз навбатида шартномаларнинг қай даражада вазиятга монанд равишда тузилганлиги ҳолатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Иккинчидан, бу ерда шартномага тўғридан-тўғри риоя этмаслик — субъектив омил ҳам юзага чиқади. Узагани мулкий манфаатларига зарар етказган ҳолда қонунарга амал қилмасдан пул маблағлари ўзлаштирилган бундай ҳолатни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиз қатор имтиёзлар ва қўлайликларни суиистеъмолқилатган айрим «тадбиркорлар» иқтисодий тараққиётга ҳам, ҳўқуқий маданият ривожига ҳам соя соллатганиларини асло кечиртиш мумкин эмас.

Б.СИНДОРОВ,  
Меҳнатобод тумани прокурори

## ЕРНИНГ ЭҒАСИ КИМ?

Ернинг ҳақиқий эгаларига берилиши ҳосилдорликнинг мўл-кўл бўлиши билан бир қаторда, она заминга бўлган муносабатнинг ҳам тубдан яхшиланишига олиб келмоқда. Мамлакатимизда бу борада чўқур ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда эзгуликни қўллаб-қувватлаш ўрнига сунъий тўсиқлар қўяётган иззатталаб раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Хатирчи туманидаги Ибн Сино номили ширкат ҳўжалигида жойлашган Турдуниев Раҳимов номидаги фермер ҳўжалигига туман ҳокимининг қарорига асосан ҳўжалик худудидан 10 гектар ер ажратиб берилиши лозим эди. Бироқ ҳўжалик раиси Н.Ойдинов туман ҳокимининг қарорини бажармади. Прокуратура аралашувидан сўнг фермер ҳўжалигига 10 гектар ер олиб берилди.

Тумандаги «Шариф бобо» фермер ҳўжалигига Шароф Рашидов номили ширкат ҳўжалигининг вакиллари йиғилиши ҳамда туман ҳокимининг қарорига асосан 5 гектар сўғориладиган ер ажратилиши лозим эди. Уша йилнинг 4 сентябрида тузилган далолатномада ҳам «Шариф бобо» фермер ҳўжалигига 5 гектар ер берилганлиги кўрсатиб ўтилган, ҳақиқатда эса ширкат ҳўжалиги томонидан 1,95 гектар ер ажратилган. Утган тўққиз йил мобайнида фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Эшқувватов мансабдор шахслар эшигини бир неча бор тақиллатиб боришига қарамадан эртанин «эртаси» тугамай келган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят

прокуратураси томонидан вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Ҳўжалик раиси Ж. Ҳамроев, гарчи оғохлантирилган бўлса-да, белгиланган суд мажлисида ишгирок этишни ўзига эп кўрмади. Шундай бўлса-да, вилоят ҳўжалик суди фермер ҳўжалигига тегишли бўлган 3,05 гектар сўғориладиган ерни Шароф Рашидов номили ширкат ҳўжалигидан ундириб бериш тўғрисида ажримини чиқарди.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари манфаатларини ҳимоялаш бора-сида юзага келаётган муаммоларни «Оқ олтин», Акмал Икромов номили ва бошқа ҳўжаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман ҳокимлиги ўз ҳулосасини билдириб, ер ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилгандан кейин ҳам фермерларни аро йўлда сарсон-саргардон қилиш давом этаётганлигини кўриб, ҳайратланасан киши. Бу ҳақда қабул қилинаётган қонун ва қарорлардан масъул ўртоқлар наҳотки беҳабар қилишган бўлса? Ернинг эгаси ким ўзи?

Абдусалом САМАДОВ,  
Хатирчи тумани прокурори



М.НУРИНБОЕВ ФОТОСИ

Пойтахтимишнинг Акмал Икромов тумани прокуратурасида тадбиркорлар муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилган. Суратда: Туман прокурори ўринбосари М. Қаҳҳоров ёш тадбиркорларга янги қонунлар моҳиятини тушунтирмақда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим фуқароларимиз моддий қийинчиликларга дуч келди. Бунинг сабаби, баъзи одамларнинг янгица яшашга мослаша ололмаётганидир. Гарчанд мушқулликлар унут бўлаёзган бўлса, баъзи тақчилликларни бир томонлама тушуниб, ҳаёт моҳиятини фақат моддий манфаатдорлик билан боғлаша уринувчилар учраб турибди. Баъзи фуқаролар ўртасида бир-бирларига бўлган ишончга, кадр-қимматнинг азалий илдизларига путур етказиш ҳолатларининг гувоҳи бўлиб қолмоқдамиз. Баъзан ишонувчанлигимиз оқибатида панд еб қолганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

## СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ИШОНЧ

Навбахор туманидаги С.Жўраев номили ширкат ҳўжалигида яшовчи Раҳматилла Кувондиқов тез ва осон бойишининг антика усулини ўйлаб топди. У мўмай пул топиш мақсадида «Сизларга арзон нарҳда бугдой бераман», дея талай кишиларнинг ишончига киришга муваффақ бўлади. Арзон кимга ёқмас экан? 2001 йилнинг 4 июнь куни ҳўжаликда истиқомат қилувчи Р.Тиллаева 18 минг сўм, Я.Ҳамроев 70 минг сўм, Ш.Худойбердиев 15 минг сўм, Р.Орипова 30 минг сўм, С.Ғаппорова 35 минг сўм, К.Исмоилов 70 минг сўм, И.Исмоилов 30 минг сўм пулни Раҳматиллага қўшқўллаб тўқказишди. Лекин бирортаси, шошма, Раҳматилла бунча бугдойни қаердан олиб келиб беради, дея ўйлаб қўришмади.

Арзонига учган ҳамқишлоқлар йўқ бугдойга жой ҳозирлаб, ҳафта-ўн кун кутишди. Аммо ойлар ўтди

ҳамки, ваъда бажарилмади. Кутиш бефойда эканини тушунганлар охири қонунни ҳимоя қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Айбига тўла иқдор бўлган Р.Кувондиқов қилмишига яраша жазосини олди.

Жиноятчининг жазага тортилиши бундай товламачиликлар яна тақдорланмаслиги учун асос бўла олмайдми. Сўзимиз сўнгидея бир гапни айтмоқчимиз. Ўзаро ишонч қанчаллик буюқ туйғу бўлишидан қатъий назар, кимга ишонаётганимизни унутманг. Улуғ туйғунинг қилган қимсалар ҳар қандай пасткашликдан қайтмасликларни мумкин. Бунга мақолаимиз «қадрамони» Раҳматиллагини «савоб-ли иши ҳам яқшал мисол бўлади. Айтинг-айтинг, оғоҳ бўлганга не етсин.

Норқувват НУРМАНОВ,  
Навбахор тумани прокурори

## «АДАШГАН» МИЛЛИОНЛАР

Далиллар асосида айтадиган бўлсак, ўтган йилнинг сўнгги олти ойи мобайнида 108 та шахсга нисбатан 88 та жиноят иши кўзғатилди. Шулардан 48 таси бўйича тергов ҳаракатлари, бир ҳолат бўйича суриштирув олиб борилмоқда. 25 та жиноят иши юзасидан эса тергов тамомланиб, қўриб чиқиш учун судларга юборилди.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан буйин товлаш юзасидан кўзғатилган 15 та жиноят иши бўйича жами аширилган 41 млн. сўмга яқин солиқ ва тўловлар ҳамда 249 млн. сўмдан ошиб молиявий жарималар аниқланиб, шулардан 120 млн. сўмдан ошиги давлат бюджетига ундирилган.

Жомбой туманида жойлашган «Жомбой пахта» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Қўлбости» пахта қабул қилиш манзилида текшириш ўтказилганда, жавобгар шахс бўлган О. Тангрикулов 522130 кг., яъни, 2840000 сўмлик чигитни ўзлаштириб юборганлиги аён бўлди. Айни пайтда ушбу жиноят иши юзасидан мансабдор шахслар томонидан 15 мил-

Самарқанд вилоят прокуратураси ҳўзуридаги солиққа оид жиноятларга қарши қўрашиш бошқармаси ва унинг туман бўлимлари олдидарига қўйилган вазифаларни бажариш борасида мўайян ютуқларга эришмоқдалар.

лион сўмга яқин пахта маҳсулотлари ўзлаштирилганлиги ошқор қилиниб, ушбу қиймат тўла-тўқис ундирилди. Бундан ташқари ушбу корхонада солиқ қонунчилиги ҳам қўпол равишда бузиб келинганлиги аниқланди. Раҳбарият айби билан 4 миллион сўмга яқин солиқ ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаган.

Бундай катта миқдордаги келтирилган ёхуд «адашган» миллионларни «Жомбой дон маҳсулотлари» ОТХЖ мисолида ҳам кўриш мумкин.

Самарқанд туманининг Гулистон қишлоғида жойлашган вино ишлаб чиқариш цехи оմборхонасида мавжуд бўлган цистерналарда жами 7794000 сўмлик, яъни 57961 кг. вино маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган. Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзғатилган.

Бундай мисолларни яна келти-

риш мумкин. Ноқонуний пул айланмасининг олдини олиш мақсадида банк муассасаларидан олинган маълумотларга кўра 34 та қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Натигада 115 млн. сўмдан ортиқ ноқонуний пул айланмаси аниқланиб, улар бўйича 10 та жиноят иши кўзғатилди.

Кези келганда шунини айтиш лозимки, айрим тижорат ишлари билан шуғулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар йиллар мобайнида ҳисобот топширмадан келмоқдалар. Лекин бу ҳолат солиқ ва бошқа тўловлар миқдори камайишига олиб келгани боис, уларга нисбатан қатъий чора кўриш вақти келди.

Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси ҳўзуридаги солиққа оид жиноятларга қарши қўрашиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# «ХУКУК»ий маслаҳатхона

Юридик адабиётларда «патронат» деган терминга бир неча бор дуч келдим, тушунамадим. Бу сўз қандай маънони англатади?

К. БОҒБЕКОВ,  
талаба

Патронат деганда ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг бошқа ота-она ёки оила тарбиясига (қарамоғига) олиниши тушунилади.

Вояга етмаган болаларни оилага тарбияга беришнинг асосий шarti — боланинг ота-она қарамоғидан доимий ёки ўзоқ вақтга маҳрум бўлганлигидир. Болани оилага тарбияга бериш учун унинг мутлақо назоратсиз қолганлиги ёки ўз ота-онасидан бошқаларнинг қўлида эканлиги ёхуд тарбия ва даволаш муассасаларида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ёки бошқа болалар муассасаларида эканлигининг аҳамияти йўқ.

Одатда болани янги ота-она ёки оила тарбиясига беришда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

- бола (лар)нинг етимлиги;
- ота-онанинг номаълумлиги ёки ташлаб кетилганлиги;
- ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлиги;
- ота-онанинг бедарак йўқолган деб эълон қилинганлиги, озодликдан маҳрум этилганлиги;
- соғлиғига кўра фарзанднинг тарбияси билан шахсан шугуллана олмаглик;
- ота-она қарамоғисиз қолган (маҳрум бўлган)лик;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларда тарбияланганлик.

Болани тарбияга олиниши болани фарзандликка олиш билан фарқлаш керак.

Бола Ғуқаро (эр-хотин) томонидан тарбияга олинганда улар тутинган ота-она деб ҳисобланадилар. Оилага тарбияга олинганда эса бола — тутинган фарзанд, бундай оила эса тутинган оила деб аталади.

Болаларни оилага тарбияга бериш ўз моҳиятига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг шаклидир. У болаларни жойлаштиришнинг бошқа шаклларида аниқ фарқ қилади. Болани оилага тарбияга бериш фарзандликка олишдан ўзининг шартномавий ва вақтинчалик эканлиги ҳамда ўзаро таъминот бериш мажбурияти вужудга келмаслиги билан, васийлик ва ҳомийликдан эса муносабатларни рағбатлантиришдан фарқ қилади.

Боланинг тутинган оилага тарбияга берилиши тутинган ота-она ва тутинган фарзандлар ўртасида алимент ва ворислик ҳуқуқий муносабатларини келтириб чиқармайди.

Оила ҳоқдесида эса тарбияга бериладиган болаларнинг аниқ ёши белгиланган бўлмаса-да, қонун мазмунига кўра ўн саккиз ёшгача бўлган болалар оилага тарбияга берилиши мумкин.

Болани тарбиясига олиниши хоҳлаган шахслар ўзлари яшайдиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига ариза билан мурожаат этишлари лозим. Ушбу аризага:

- иш жойи, вазифаси ва маоши миқдори кўрсатилган маълумотнома ёки даромадлари хусусидаги ҳужжат (тегишли тартибда тасдиқланган);
- турар-жойи борлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- никоҳда бўлса, буни тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;
- болани тарбияга олиниши истаган шахс ва унинг оила аъзоларининг соғлиғи ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ушбу ҳужжатлар тўлиқ бўлгач, васийлик ва ҳомийлик органи тарбияга олиниши истаган шахснинг оилавий шароити, моддий жиҳатдан таъминоти ва умумий ҳолатни текширувдан ўтказиб, таҳлил этади. Мазкур органи шу оилага болани тарбияга бериш мумкин деган ҳулосага келса, тарбияга олиниши истаган шахс рўйхатга олиниб, васийлик ва ҳомийлик органи болани келишилган ҳолда болани танлашга рухсат берилади. Ушбу ҳулосада болани тарбияга олаётган шахснинг шарт-шароити, жумладан, моддий аҳоли, турар-жойи майдони, оилавий муҳит, оила аъзоларининг соғлиғи ҳамда бола тарбияси учун аҳамиятли бўлган бошқа шу каби ҳолатлар акс эттирилади.

Болани танлашда унинг ўзи ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан танишиш мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик органи болани танлашда олувчиларга ҳар томонлама ёрдам беришлари, бола ҳақидаги барча маълумотлар билан таништиришлари шарт. Шу билан бирга, агар бола ўн тўрт ёшга тулган бўлса, албатта унинг розилиги сўралади. Бунда унинг эрки ҳар томонлама таъминланиши, яъни ўз ихтиёри билан шу оилага бориши эркин ифодаланган бўлиши шарт. Боланинг розилигини сўрашдан олдин, уни оилага тарбияга олиниши истаган шахс (шахслар) билан боланинг бир неча бор холи учрашишлари ва эркин муносабатда бўлиб, сўхбатлашишларига имкон яратилмоғи лозим.

Юқорида айтилган ҳолатлар бажарилса ҳамда болани тарбияга олиш ва бериш бўйича белгиланган талабларга розилик билдирилса, бу тўғрисида томонлар ўртасида келишув тузилади. Унда:

- болани ўзаро ёрдам ва ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- бола (болалар)ни таъминлаш ва таълим бериш, соғлом ўсиши учун шарт-шароит яратиб бериш;
- боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- оилада болага салбий таъсир этиши мумкин бўлган ёки келгусида унинг бу оилада яшashi ва тарбияланишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳолатлар юзга келганда, бу ҳақда дарҳол васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилиш;
- бола(болалар)нинг умумий таълим муассасаларида фанларни ўзлаштиришнинг кузатиб бориш ва мактаб маъмурияти билан алоқада бўлиб туриш;

— тутинган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болани тарбияга олган оилага нисбатан мажбуриятлари, шунингдек, келишувни бекор қилиш ҳоллари ва унинг асослари ҳамда оқибатлари кўрсатилиши керак.


Бола(болалар)ни тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан унга (уларга) фалсини ҳисобга олган ҳолда кийим-бош, пойабзал берилади, болани тарбияга олган шахсга эса тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб турилади.

М. ТУРАЕВ,  
Республика Бош  
прокуратурасининг бўлим прокурори

Л.КУЧМА:

## «УКРАИНА ЕИҒа 2011 ЙИЛДА ҚўШИЛАДИ»

«Бизнинг асосий вазифамиз Европа Иттифоқига қўшилишдан иборат. Бунга биз 2011 йилда эришишни мўлжаллаётимиз ва бунинг учун барча чоралардан фойдаланамиз», дея баёнот берди Украина президенти Леонид Кучма. Бу баёнотда Л.Кучма ЕИ борасидаги режасини биринчи марта ошқора билдирган. Мутахассисларнинг фикри эса бироз бошқача. Заиф иқтисод, инсон ҳуқуқларидаги риоия этилишидаги камчиликлар, матбуотга эркинлик берилмагани ва ҳ.к.лар сабаб ҳаливери мамлакатнинг ЕИга аъзо бўлиши мушкул, дейишмоқда улар.



## БМТ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

Шу йилнинг 20 майида Шарқий Тимор расман мутақил давлат деб эълон қилинади. Бу ҳақда БМТнинг Шарқий Тимордаги махсус вакили маълум қилди. Маълумки, Шарқий Тимор утган асрнинг 75-йилгига қадар Португалия колонияси ҳисобланган. Колониал режим тугатилган эса Индонезия оролни оккупация қилади ва ўзига қўшиб олади. 1999 йилда ўтказилган умумхалқ референдумида аҳоли Индонезия таркибидан чиқиши ёқлаб овоз берган эди. Бу ҳолат Индонезия ҳукумати томонидан орол аҳолисига тазйикнинг ортишига сабаб бўлди. Утган аср охирида Шарқий Тиморда содир бўлган хунрезликлар, қонли тўқнашувлар сабаб, 1999 йилнинг октябрида оролга БМТнинг тинчликпарвар қўшинлари киритилган эди.

Айни пайтда бўлажак давлатнинг бошқарув органларини шакллантириш жараёни давом этмоқда. 14 апрелда Шарқий Тиморнинг биринчи президенти лавозими учун сайловлар бўлиб ўтади.

## БЕЗГАК ҚУРБОНЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Марказий Африка мамлакатларида Эбол безгагига чалинаётган одамлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Утган ҳафтада ушбу хасталикка чалиниб, вафот этганлар сони 54 нафарга етгани маълум бўлди.

Ғабон давлати соғлиқни сақлаш вазирини Фаустин Боукоубининг маълум қилишича, мамлакатда мазкур хасталик қурбонлари сони 42 нафарга етган.

Конго давлатида қайд этилган 20 нафар бемордан 12 нафарининг соғайишига умид йўқ. Бу маълумотни Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари тарқатган. Мазкур ташкилот ходимларининг бу хасталикка қарши курашида қийинчиликлар мавжуд. Қийинчиликлар шундан иборатки, маҳаллий халқ касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни ҳушмайлди, касаллик асоратлари билиниши биланқочқорларча мурожаат қилмайдди.

Ҳаж мавсумида Саудия Арабистони марказий Африка давлатларидан келувчи зияратчиларни мамлакатга киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки Эбол безгаги юқумли касаллик саналиб, миллионлаб зияратчилар жамланувчи Маккаи муқаррамга ушбу хасталикка чалинган кишининг киритилиши яши оқибатга олиб келмаслиги кундай равшан.



Кеча Слободан Милошевичнинг иши бўйича дастлабки суд мажлиси бўлиб ўтди. Югославиянинг собиқ президенти ўз нутқида Гаага трибуналага ишонсизлик билдирди. Бошқалар эса бу жараёни Нюрнберг суд жараёнига ўхшатмоқда. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, сўнгги 50 йил ичда Гаага трибуналада биринчи марта хоржий давлат бошлиғи суд қилинаётти.

## РУС-АФҒОН ҲАМКОРЛИГИ

Афғонистон Россия билан ҳарбий-техник ҳамкорлиқни йўлга қўймоқчи. Шунингдек, афғон томони рус ҳарбий техникасини сотиб олиш ниятида. Бу ҳақда Афғонистон ҳарбий делегацияси таркибидан 10 февраль кун Москвада бўлган Афғонистон мудофаа вазирини, армия генерали Мухаммад Қосим Фахим баёнот берган. Вазирнинг таъкидлашича, ўзқуролли кучларини тузишда Афғонистоннинг Россия билан ҳамкорлик қилиши Кобул учун иқтисодий жиҳатдан ҳам, армия хусусиятлари жиҳатидан ҳам фойдалидир.

## ҲАММАСИ РЕФЕРЕНДУМГА БОҒЛИҚ

Югославия ҳукумати Черногориянинг федерация таркибидан чиқишига қарши эмаслигини маълум қилган. Бунинг учун референдумда Черногория аҳолисининг кўпчилиги мустақилликни ёқлаб овоз бериши керак. Бу ҳақда Washington Timesнинг президент Воислав Коштуницадан олган интервьюсида хабар берилади. Референдум ўтказиладиган вақт ҳали белгилангани йўқ. Интервью сўнггида берилган шарҳда Югославия раҳбарининг бу масалада тутаётган позицияси бир йил олдинги қарашларидан тубдан фарқ қилиши илова қилинган. Маълумки, яқин-яқинларгача расмий Белград Черногориянинг ажралиб чиқиши масаласини кескин инкор этиб келар эди.

## ТРИБУНАЛ ҲУҚМ ЧИҚАРДИ

Исроил ҳарбий трибунали Иордан дарёси ғарбий соҳилида жойлашган назорат пунктларидан бирининг уч нафар ҳарбий хизматчисини фаластинлик фуқароларни аёвсиз калтаклаганликда айблаб, жиноят иши кўзгатган. Айбдорлар 14 кундан 45 кунгача бўлган муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, улар уч ойлик мажбурий меҳнатга жалб этилади ва ҳарбий унвонлари пасайтирилади.

## ТАНКЕР ҲИБСДА


HMCS Vancouver Канада ҳарбий кемаси Арабистон денгизида Ироқдан контрабанда йўли билан нефть олиб чиқиб кетаётган танкерни ҳибсга олган. Бу ҳақда жума кунини СТВ телеканали хабар тарқатди. Танкернинг сув сийми ва бордаги нефтининг қанча миқдордалини ҳозирча номаълум. Vancouver капитанининг сўзларига қараганда, танкер Африка давлатларидан бирига тегшли. Текширув ишлари давом этмоқда.

## СПИДГА ҚАРШИ 50 МЛН. \$

Европа комиссияси СПИДга қарши кураш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириши учун Африка мамлакатларига 50 млн. АҚШ долларини миқдорда кредит ажратди. Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ривожланган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича Европа комиссияси комиссари П.Нильсоннинг сўзларига кўра, бу маблағлар аҳолининг энг қашшоқ қатламига тиббий хизмат кўрсатиш учун сарфланади. Маълумки, СПИД каби хасталиклардан айнан камбағал ва қашшоқ кишилар кўпроқ жабр чеқмоқда. Қўшимча молиявий маблағларнинг ажратилиши СПИДга қарши курашда Африка мамлакатларига кўмаклашиш дастурининг давоми ҳисобланади.



● КРОССВОРД



**ЭНИГА:** 1. Полиз экинчи. 3. Идиш. 5. Улчаш мосламаси. 7. Хунарманд. 8. Сўз боши. 11. Кўрк. 12. Бошоқли экин тури. 13. Қандолатчилик махсулооти. 14. Сўт махсулооти. 16. Қаттиқ нондан тайёрланган озуқа. 18. Таом тури. 20. Қўшин, армия. 22. «Кеча ва кундуз» асари муаллифи. 24. Чолғу асбоби. 26. Ҳаётнинг биринчи бери. 28. Улов тури. 29. Жуңдан тўқилган тўшамчи. 30. Америка қитъасидаги давлат. 31. Арабчада «ўғли» маъносини берувчи сўз. 32. Аскар.

**БЎЙИГА:** 1. Спорт тури. 2. Қоронғу, зим-зиё. 3. Қадимда қатл маросимини ижро этувчи шахс. 4. Жой, макон. 5. Болтиқбўйидаги шаҳар. 6. Бино, иншоот. 9. Оёқ кийими. 10. Асосан чўлда ўсувчи бутасимон ўсимлик. 14. Олди-берди воситаси. 15. Тирик организмда транспорт вазифасини бажарувчи модда. 16. Бева. 17. Хол. 19. Қўн. 21. Даниэл Дефо асари қаҳрамони. 22. Қўш тури. 23. Данагидан мағзи ширин (мажозан). 24. Ноннинг юпқа кесилиб қуритилгани. 25. Ўғил болалар исми. 26. Ийртқич хайвон. 27. Мусика асбоби.

● МУЛОҲАЗА

# ҲАР ДАҚИҚА БЕБАҲО

Н. шахрига бормоқчи эдим. По-ездда кетишга тайёргарлик кўраётганимда қўшним ҳам ўша шаҳарга ўз машинасида кетаётганлигини айтиб қолди. Мен улар билан бирга кетишга рози бўлдим. Қўшнимнинг хотини ва тўрт яшар ўғли орқа ўриндикда, мен унинг ёнида йўлга тушдик. Шаҳардан чиққанмиздан кейин йўлнинг бурилишлар кўп жойига етиб келдик. У ердаги йўл кўрсаткичларида тезлик соатига 30 километрдан ошмаслиги кўрсатиб қўйилган эди. Қўшним эса оёғини газ педалидан олмасди. Қарасам тезлигимиз 80 дан юқори. Бироздан кейин эса спидометр 90, 100 километр тезликка кетаётганлигимизни кўрсата бошлади.

— Тезликин пасайтиринг! — қичқирдим мен.  
— Нима, кўрқаяписизми? — сўради қўшним.  
— Ахир бурилишлар кўп. Қўшним кулиб юборди.  
— Биласизми, шошилиб турибман. Хар бир дақиқа мен учун жуда қимматли.  
— Мен ҳеч нарса демасдан, кўзла-

римни юмиб олдим. Аммо худо бир сақлади. Катта, текис йўлга чиқиб олганимиздан сўнг қўшнимдан сўрадим:

- Қўшни, ёшингиз нечада?
- Уттизда, нима эди?
- Ҳа энди, етмишга кирасиз, деб ҳисобласак, ҳали 21024000 минут умрингиз бор экан.
- Хотинингиз неча ёшда?
- Ингирма иккида.
- У ҳам етмишга киради деб ҳисобласак, ҳали у 25228800 минут яшаши лозим.
- Ўғлингиз неча ёшда?
- У эндигина тўрт ёшга киради.
- Демак у ҳали етмишга кириши учун 34689600 минут яшаши керак. Қўшним менга ажабланиб қаради.

— Нега бунча ҳисоб-китоб қила-яписиз? Нима, математикимиз?

— Йўқ, ўзим шунчаки... Қаранг, сиз бор-йўғи бир минут вақтдан ютиш учун 80942400 минутни хавф остига қўймоқдасиз. Менинг минутларим бу ҳисобга киргани йўқ.

**Йўлдош ПАРДА тайёрлади**

## ДОНОЛАР ЭМИШКИ...

*Яхшилик гар қилмаса, бори ёмонлик қилмаса, Ким ёмонлик қилмаса, қилганча бордир яхшилик.*

\*\*\*  
*Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.*  
**Алишер Навоий**

\*\*\*  
*Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилик.*  
**Заҳриддин Мухаммад Бобур**

\*\*\*  
*Яхшилик шундай бир сифатки, унинг кўлиги ҳеч қачон зиён келтирмайди.*

**Жон Голсуорси, инглиз ёзувчиси**

\*\*\*  
*Яхшиликни ҳатто соқовлар ҳам гаплаша оладиган ва қарлар ҳам эшити оладиган тилга тенгаслиги келади.*

**Каролина Анна Бови, инглиз шоираси**

\*\*\*  
*Кишининг кимгадир яхшилик қилиши яхши, аммо кишиларни яхшилик қилишга ўргатиш ундан-да яхшироқдир.*

**Шарқ ҳукмати**

\*\*\*  
*Яхши кишилар вафот этганларидан кейин ҳам одамлар хотира-сида яшаб қоладилар.*

**Пио Бароха, испан ёзувчиси**

\*\*\*  
*Яхшилик қила оладиган кишини эмас, балки ёмонлик қила олмайди-ган кишини яхши киши деган бўлар-дим.*

**В. Ключевский, рус тарихчиси**

\*\*\*  
*Ёмонликнинг умри қисқа, яхши-лик боқий.*

**Шота Руставели**

\*\*\*  
*Бағрикенглик, кишиларнинг ха-толарини кечира олиш энг улкан бахтдир.*

**Пьер Бомарше, инглиз драматурги**

\*\*\*  
*Катта ёмонликлар қилиниши учун баъзан кичик, арзимас сабаб-лар баҳона бўлади.*

**Менандр, қадимги грек драматурги**

\*\*\*  
*Ёмон дўст худди сояга ўхшайди. Қуёшли, чароғон кунларинида ундан қочиб қутулолмайсан, сербулт, ғамзада куларинида излаб топол-майсан.*

**Абай Қўнанбоев, қозоқ шоири**

### ТУРФА ОЛАМ УРФА ОДАМЛАР

## НОАНЪАНАВИЙ ПОЙГА

Калифорниялик Том Жонсон Шайх Зоҳид ибн Султоннинг Ал-Барроқ (Чакмоқ) лақабли араби отини югуриш бўйича мусобақалашига чакирган эди. Шу муносабат билан Бирлашган Араб Амирлигида одатдан ташқари пойга мусобақаси ўтказилди. Инсон боласининг от билан бўладиган пойгаси тап-такир чўлда ўтказилди. Унда томонлар 80 км.лик масофани босиб ўтишлари керак эди. Асл араби тулпор Ал-Барроқ бу масофани 5 соату 5 дақиқада босиб ўтди. Бу орада у икки марта 40 минутдан емак ва сув ичиб олиш учун тўхташи зарур бўлди. Том Жонсон айнан шу вақтдан ютиб, 80 минут ичида отни қувиб ўтди. Ейиш-ичишни эса йўл-йўлакай, югуриб кетаётган ҳолда қилиб қўя қолди. У Ал-Барроқдан 10 минут олдин маррага етиб келди.

Эслатиб ўтамиз: Том Жонсон 100 км. масофага югуриш бўйича Америка чемпиони. У бу масофани олти ярим соатда босиб ўтган. Шундай қилиб, Инсон боласи чопқирликда тенгсиз деб ҳисобланган араби тулпордан ҳам ўзиб кетди.

● КРИМИНАЛ

## ЖОНИВОРЛАР ҚОНУН МУҲОФАЗАСИДА

Дунё мамлакатлари қонунчилигида жониворларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлиги, уларга азоб берганлиги учун жазога тортилганлар ҳақида кўп эшитганмиз. Албатта, бундай ҳолатлар инсонларо муносабатлар ҳам анча сийқалашиб қолган бир даврда бачканаликдай кўриниши мумкин. Хар қалай, инсонпарварлик деб бўлмайдиган бундай жараёнлар остида ҳам ўзига хос эзгулик ётади.

Яқинда барнзулик Валерий Мошкин худди шундай — жониворларга шафқатсиз муносабатда бўлганлик айби билан бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу муддат шартли қилиб белгиланган бўлса-да, Валерий учун ҳали деярли гўдак бўлган қизчасининг кўз олдига бахтироко кучукчани калтаклаш, буям етмагандай чилвир билан бўғиб туриш яхши эмаслигини англаб олиши учун етарли бўлар. Валерий бу қилмиши билан гўдакнинг руҳиятини қаттиқ жароҳатлаб қўйганини сал кечроқ тушунди.

Уфа шаҳрида содир бўлган воқеа ҳам бундан қолишмайди. Ҳеч қерда ишламайдиган Юрий Тибенков дайди итни ўлдиргани учун суд ҳукми билан бир йил муддатга мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Тибенков итни боғлаб қўйиб, бир ярим соат мобайнида унга азоб берган. Шўрлик кучукнинг «додини эшитган яхши одамлар тезда милицияга хабар беришган.

Бу турдаги жиноят иши Бошқирдистон юриспруденциясида иккинчи марта кўрилиши. Худди шу модда билан ўтган йили мушук боласини болта билан чопиб ташлаган Ю.Бурнов деган шахс айбланган эди.

Беларуснинг Витебск вилоятида ҳам шунга ўхшаш жиноят иши кўриб чиқилди. Ширакайф ҳолда чўчка боласини калтаклагани ва уни ўғирлашга ҳаракат қилгани учун икки улфат бир йилга ахлоқ тузатиш колониясига йўл олишди.

### Моҳият

*Кўриш ва сезиш, бу мавжуд бўлмоқликдир. Мулоҳаза юри-тиши эса, яшаш демакдир.*



Вильям ШЕКСПИР

Уяла авжада

Саҳрода бир сайёҳ сув кийимларини кийиб, қўлида ғаввослар скафандрини кўтариб олган кишига дуч келди.

— Денгизга ҳали узоқми? — сўради у ҳалослаб.

— Ҳа, тўрт юз километрча бор. — деди сайёҳ.

— Шунчаки? — деди у. — Одамлар ҳам қизик-да. Қирғоқ деганини бунча катта қилиб қуришмаса...

— Сиз менга берган соат ҳақиқатан ҳам сув ўтказмай-...

... диган қилиб ясалганми?

— Албатта. Бир марта ичига сув кирса бўлди, ҳеч қачон чиқмайди.

бир тегиб сувга чўктириб юбор-маймизм?

— Жуда яхши бўларди-ю, аммо кўл унчалик чўқур эмас-да.

... Бир киши опера театри кассасига келди.

— Битта билет буюргандим.

— «Севиля сартароши»гами?

— Йўқ, йўқ, ўзимга.

... — Шунча денг. — чийиллади хотин, — яқшанбада бу шўрва яхши эди, душанба кўни ҳам мактаб-мактаб ичдингиз, сешанбада ҳам, чоршанбада ҳам, пайшанбада ҳам чўрк этганингиз йўқ. Бугунга келиб ёқмай қолдимми?

— Яхши, жуда яхши, — деди директор янги котибасига, — сиз бор-йўғи учта хато қилибсиз. Энди марҳамат қилиб иккинчи сўзни ёзинг.

Бир фил қўлда чўмилаётган эди. Шу пайт икки пашша учиб келди. — Манави териси қалин аҳмоқни

### СОХТАКОРЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН

Хитой полицияси томонидан танikli хоржий компаниялар махсулотларини сохталаштириш билан шуғулланувчи ўнлаб фирмалар фаолияти фож этилди. «Мамлакат бозорида тартиб ўрнатиш» умумийлиги операцияси чоғида «швейцария», «япон» соатлари, хусусан, «Реллекс», «Сейко» каби машҳур фирма белгилари остида «қўлбола» соатлар ишлаб чиқараётган ўнлаб корхоналар аниқланди. Инглиз фармацевтикаси тамғаси билан савдога чиқиб кетаётган каттагина микдордаги сохта дори-дармонлар, шунингдек, «Кодак», «Фужу» компаниялари белгиси туширилган қалбаки фотоплёнкалар ишлаб чиқараётган яширин фирмалар ҳам фож этилган.

Ички ишлар вазирининг матбуот котиби берган маълумотга қараганда, бу операция ҳали давом этади. Ҳисба олинган жиноятчилар қилмишлари учун суд олдига жавоб бериладилар.

Тошкент Ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси жамоаси прокурор ўринбосари Умиджон Мирзаевга отаси **Шоакбар МИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.